



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2025 йил 19 декабрь, № 266 (9161) Жума Сайтимига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни расмий таширф билан Токио шаҳрига келди.

“Ханеда” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Япония ички ишлар ва коммуникациялар вазири Ёшимаса Хаяши ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Токио шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёев Японияда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашиб, улар билан суҳбатлашди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, юрдошларимизнинг орзу-умидлари, максад ва режалари ҳақида очик ва самимий мулоқот бўлиб ўтди. Президентимиз ватандошларимизга иши ва ўқишида муваффақиятлар тилаб, улар Кунчиқар юрда орттирган билим ва тажрибалар Ватанимиз тараққиёти ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилишига ишонч билдирди. Таширфининг асосий тадбирлари 19-20 декабрь кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Япония Императори Нарухито, Бош вазири Санаэ Такаичи ва бошқа расмийлар, ишбилармон доиралар ҳамда академик ҳамжамият вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Шунингдек, Ўзбекистон етакчиси “Марказий Осиё + Япония” мулоқотининг биринчи саммитида иштирок этди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

18 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирилик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Ўн иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар “Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунни муҳокама қилишдан бошлади.



Муҳокама жараёнида сенаторлар бюджет даромадларини ошириш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратди. Сенаторлар ўз чиқишларида 2026 йилда макроиқтисодий сиёсат соҳасида устувор этиб белгилаган вазифаларни бажариш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, маҳаллалар инфратузилмасини тақомиллаштириш ва давлат дастурларида назарда тутилган бошқа муҳим тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Сенаторлар қонунни маъқуладди. Ялпи мажлисда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2026 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама этилди.

Эксклюзив интервью

Кенжи ХИРАТА: ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий таширфи ва “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитидаги иштироки арафасида ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчиси Кенжи Хирата “Дунё” АА муҳбирига интервью бериб, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни янада кучайтириш ҳақида ўз фикрларини билдирди.

— Аввало, интервьюга вақт ажратганингиз учун раҳмат. Маълумки, Япония Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий, бир сўз билан айтганда, барча соҳалардаги муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади, шундай эмасми? Сизнингча, икки давлат ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва янги даражага олиб чиқишда қайси йўналишлар энг истиқболли?



асосан, хусусий секторга қаратилади. Албатта, ҳукуматлар уни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Шу боис ҳамкорлик сурбатини сақлаб қолиш ва уни янада кучайтиришга интиламыз.

— Сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликка алоҳида урғу бердингиз. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни тилга олишимиз керак, бу — маданий дипломатия ва таълим соҳаси. Бунга халқ дипломатияси, япон тилини ўқитиш, талабалар алмашинуви каби кўплаб йўналишларни мисол келтириш мумкин. Сизнингча, ушбу соҳада икки томонлама муносабатларни янги bosқичга кўтаришга нималар туртки бўла олади?

— Ҳа, инсон ресурсларини ривожлантириш доимо муносабатларимиз марказида бўлиб келган. Япония ҳукумати ўзбекистонлик ёшлар учун қатор стипендия дастурларини амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда 2 400 нафардан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар Японияда таҳсил олмоқда.

— Бугунги кунда биз мулақо бошқача Ўзбекистонни кўрапмиз. Янги Ўзбекистон дунёга очик ва хоржий давлатлар билан алоқалар орқали модернизацияга эришишга интиломоқда. Бу жараёнда тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар ва савдо муҳим роль ўйнайди ва бу, асосан, хусусий сектор қўлидадир. Япония — Ўзбекистон стратегик ҳамкорлигининг келажаги.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, шу жумладан, аҳолининг ҳаёти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

Жорий йилда ҳудудларда долзарб ижтимоий муаммоларни, маҳалла инфратузилмаси билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш ҳамда бошқа соҳаларни ривожлантириш юзасидан Президентнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Амалга оширилаётган тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш ва қўшимча харажатлар манбаларини аниқлаш зарурати юзасига келгани қайд этилди.

Ушбу қонун билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасидаги тадбирларни молиялаштириш ҳамда кўп квартиралар уйларида ва ижтимоий соҳа муас-

сасаларида энергия самарадорлигини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар учун қўшимча маблағ ажратилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундан ташқари, бюджет маблағларининг мақсадли, самарали сарфланшини ошириш, бюджет интизоминини мустаҳкамлаш доирасида маблағларнинг бир қисmini мақбуллаштириш ва уларни қўшимча харажатларга йўналтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар 2025 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга киритилаётган ўзгартиришлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуладди.

Шундан сўнг “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонуннинг мақсади 2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Сенаторлар таъкидлаганидек, 2026 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг соғлиқни сақлаш тизими билан камровини кенгайтириш ва сифатли таълимга эга бўлиш каби ижтимоий соҳа мақсадларига устуворлик берилган.

Жумладан, Давлат бюджети харажатларининг қарий 55 фоизи ёки 220,0 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Давлат бюджети харажатлари таркибида таълим соҳаси учун 100 триллион сўм назарда тутил-

ган, тиббиёт соҳасига эса 49 триллион сўм ёки жорий йилдаги нисбатан 11,4 фоизга оширилмоқда. Қонунга асосан келгуси йилда инфляция даражаси 7 фоиз атрофида бўлиши прогнози қилинмоқда.

2026 йилда Давлат бюджети харажатлари 402,6 триллион сўми, даромадлари эса 368,9 триллион сўми ташкил этмоқда. Давлат мақсади жамғармалари даромадлари эса 78,6 триллион сўм, харажатлари 74,4 триллион сўм (бюджетларро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) микдориде режалаштирилмоқда.

Хусусан, мазкур қонунда 2026 йилда консолидацияланган бюджет даромадлари 515,8 триллион сўм, харажатлар эса 567,6 триллион сўм микдориде шакллантирилган. Бунда консолидацияланган бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги вазифаси назарда тутилган.

Таъкидланганидек, кейинги йилга мўлжалланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шу жумладан, амалдаги қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

2026 йилда ҳам солиқ сиёсатида асосий солиқ ставкалари қўшилган қиймат солиғи 12 фоиз, фойда солиғининг базавий ставкаси — 15, jisмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи — 12, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси — 1,5, қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ерлар учун ер солиғи — 0,95, ижтимоий солиқ — 12 (бюджет тақчилотлари — 25), айланмадан олинмаган солиқ — 4 фоиз микдориде ўзгаришсиз қолмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОР МУҲИМ ТАДБИР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг долзарблиги ва аҳамияти” мавзусида семинар ташкил этилди. Унда депутатлар, Миллий статистика қўмитаси вакиллари, экспертлар, ОАВ ходимлари қатнашди.

Маълумки, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонунда мамлакат нуфусини камида ҳар 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса ҳар 5 йилда рўйхатга олиш белгиланган. 2021 йилда аҳоли ва 2022 йилда қишлоқ хўжалиги аҳоли таркибиде рўйхатга олинган. Тўлиқ рўйхатга олишни амалга ошириш учун зарур техник, ҳуқуқий асослар ва бошқа омилларга тайёргарлик ишлаб чиқилганидан сўнг ушбу тадбир 2026 йилга кўчирилган.

Семинарда айтилганидек, рўйхатга олиш 2026 йил 15 январдан — 28 февралгача бўлиб ўтади. Мазкур жараён уч бошқича ташкил этилади. Дастлабки 17 кун давомида аҳолига интернет орқали маълумотларни киритиш имконияти яратилади. Бунда фуқаролар “census.stat.uz” портали орқали “OneId” тизими ёрдамида рўйхатдан ўтишади. Аҳоли ўзи ва оила аъзолари тўғрисидаги саволномани мустақил тўлдириши мумкин бўлади. Кейинги бир ой мобайнида

эса “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирокида уйма-уй юриб маълумотлар йиғилади. Шунингдек, жараёни муваффақиятли амалга ошириш учун “маҳалла еттилиги” аъзолари махсус дастурлар асосида тайёрланади ва фаолияти рағбатлантирилади. Уларнинг аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиши ва маҳаллий кишилар эҳтиёжи ҳамда шароитларини яхши билиши рўйхатга олиш маълумотларининг сифати, ҳаққонийлиги ва аниқлигини кафолатлайди. Бу ёндашув нафақат иқтисодий тежамкорликни таъминлайди, балки давлат ва жамият ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Тадбир иштирокчилари қайд этганидек, рўйхатга олиш жараёнлари яқунлангандан сўнг маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш бошқичи бошланади. Натижалар Европа статистика конференциясининг тавсияларига мувофиқ умумлаштирилади. Шу

тариха мамлакатимиз нуфусининг демографик таркиби, миграция жараёни, оилавий ҳолати, фаолият турлари ва даромад манбалари тўғрисида ягона маълумотлар базаси шаклланади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачилик соҳасига оид кўрсаткичлар аниқланади.

Йиғилган маълумотлар республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Рўйхатга олиш жараёнлари ўтказилаётган мазкур давр аҳоли ва қишлоқ хўжалиги соҳаси учун нисбатан кам ҳаракатланмаган қиш фаслига тўғри келиши билан ҳам қўлайлиги яратди.

Сўровномадаги 71 та саволнинг 54 таси аҳолига, 17 таси қишлоқ хўжалигига оид бўлади. Жумладан, асосий демографик кўрсаткичлар, одамларнинг даромад манбаи, бандлиги ва таълим даражаси, тураржой хусусиятлари, айрим тоифалар, чет эл фуқаролари ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича саволлар ўрин олган.

ФАОЛ ҲАЁТ УЧУН БЕРИЛГАН ИМКОН

Ногиронликнинг оғир турлари деганда, инсоннинг кундалик ҳаёт фаолиятини мустақил амалга ошириш имкониятларини кескин чеклайдиган ҳолатлар тушулинади. Бундай ҳолатдаги болаларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш, ҳаракатланиш, мулоқот, таълим олиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятлари нисбатан чекланган бўлади.

Сарҳисоб

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ногиронлиги бор шахслар сонин миллион нафардан ортиқ. Шундан 170 810 нафари вояга етмаганлар бўлиб, айнан оғир ногиронликка эга болалар тиббий, таълим ва ижтимоий хизматларга энг кўп эҳтиёж сезади деган тоифа ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда.

хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилди. Шу орқали мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга содиқлиги, шунингдек, Конвенция тамойиллари ва “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” тамойилига мувофиқ ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини илгарича қўриш бўйича чора-тадбирлар муҳимлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Президентимизнинг шу йил 3 февралдаги “Ногиронлиги бўлган болаларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ногиронлиги бўлган болалар учун қундузги парварих хизматини бошқичма-бошқич жорий қилиш имкони яратилди. Ҳужжат асосида 2025 йил 1 мартдан бошлаб янги тизим қират лойиҳа сифатида Перакаталогистон Республикаси, қатор вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида йўлга қўйилмоқда. Лойиҳа давлат-хусусий шериклик модели асосида амалга оширилади ва 3 ёшдан 18 ёшгача болаларда ўзбекистон Ногиронлар

Юртимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқлари Конституция, миллий қонунлар ва халқаро меъёрлар билан кафолатланган. 2021 йил июнда Ўзбекистон Ногиронлар

КўП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Япония Бош вазири Санаэ Такаичининг таклифига биноан ушбу давлатга расмий таширфи икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррالي ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш йўлидаги тарихий қадам бўлди.

Акс садо

Ўзбекистон билан Япониянинг дўстона муносабатлари ва ҳамкорлик алоқаларининг илдишлари кўп асрлик тарихга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли энг раванк топган даврларга бориб тақалади. Япония Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган, дипломатик муносабатларимиз ҳам самарали ўрнатилган.

Ҳозирги кунда Япония Ўзбекистоннинг энг ишончли иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан биридир. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўмиталарнинг 17 та ишчи гуҳурида Хорғи беш йил ичида ўзаро товар айланмаси 2,3 баравар ошиб, 450 млн. доллардан зиёдни ташкил этгани, инвестициялар ҳажми эса 4,5 млрд. доллардан ортгани иқтисодий алоқаларнинг юқори динамикасини кўрсатади.

Ўзбекистон — Япония ўртасида жорий йилнинг охириг ўн ойликдаги товар айланмаси 326,8 млн. доллар, экспорт ҳажми 4,85 млн. доллар ва импорт 321,95 млн. долларга етган. Мамлакатимизда фаолият юритаётган япон компаниялари эса энерге-

тика, кимё саноати ва транспорт соҳаларини модернизациялашда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистонда 84 та қўшма корхона, жумладан, 50 таси юз фоиз Япония капиталли иштирокида фаолият юритапти. Япониянинг 13 та компаниясининг ваколатхоналари аккредитациядан ўтказилган. Уларнинг асосий фаолият йўналишлари нефть-газ, нефть-кимё ва кимё саноат, энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш, машинасозлик ҳамда машинасозлик маҳсулотлари, транспорт-логистика хизматлари, савдо операциялари, таълим ва туризм соҳаларини ташкил этади.

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги парламентларо ҳамкорлик ҳамда икки томонлама муносабатларнинг

стратегик хусусиятидан далолат беради. Сўнгги йилларда парламентларо муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда. Хусусан, икки мамлакат парламентларида дўстлик гуруҳлари ташкил қилинган, Ўзбекистон — Япония парламентларо форуми йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда, ўзаро таширфлар алмашишиб, учрашувлар ва онлайн музокаралар бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Токиога таширфидан кўзланган энг устувор йўналишлардан бири — “яшил” иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик. Чунки Япония иқлим ўзгаришига қарши кураш ва энергия тежамкор технологиялар бўйича дунёда етакчи ўринларда бирини эгаллайди.

Юртимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқлари Конституция, миллий қонунлар ва халқаро меъёрлар билан кафолатланган. 2021 йил июнда Ўзбекистон Ногиронлар

Юртимизда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқлари Конституция, миллий қонунлар ва халқаро меъёрлар билан кафолатланган. 2021 йил июнда Ўзбекистон Ногиронлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Бундан ташқари, Солиқ кодексига қўшилган қўйим солигининг узлуksиз санжирани яратиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур қонун мебелсозлик ва заргарлик соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, махсулотларнинг экспортини кенгайтириш, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳам йўналтирилган.

Қайд этилганидек, қонун амалиётга татбиқ этилиши натижасида тадбиркорларга қўлай шaroитлар яратишга имкон берадиган солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича тегишли ҳуқуқий муносабатлар тартибга солиниши назарда тутилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда микрофирма ва кичик корхоналарга солиқ ҳисобларини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун жарима миқдори пайсгайитилган, охириги уш ой ичида солиқ ҳисобларини ўз вақтида тақдим этиб келган солиқ тўловчларга кейинги ҳисоботни 5 иш кунига кечиктирган тақдирда маъмурий жарима қўлланилмаслиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, бир календарь ойда бир неча солиқ турлари бўйича ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда, барча ҳисоботлар учун фақат битта жарима қўллаш механизми жорий этилмоқда.

Сенат аъзолари ўз чиқишларида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, тўқимачилик, маҳаллий саноат, озиқ-овқат, медиа ва алоқа каби соҳаларига бир қатор солиқ ва божжона имтиёзлари берилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, мазкур қонун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлирига қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкага нисбатан 0,5 дан 1,2 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни ҳамда лазерли текислаш лозим бўлган сугориладиган ерлар лазерли текисланмаган тақдирда, ушбу ерлар учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 1,2 гача оширувчи коэффицент қўллаш ваколатини бермоқда.

Сенаторлар ушбу қонун тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама рағбатлантиришни, тенг ва адолатли рақобат муҳитини таъминлашни, маъмурий жарималар юқини енгиллаштириш ҳамда "яширин иқтисодиёт"нинг улшини қисқартиришга қаратилганини таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Парламент юқори палатаси аъзолари "Бюджет жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни муҳокама этди.

Муҳокама мавзюида фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш орқали бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш, уларнинг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини қўлайиштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини қайд этилди. Бундан ташқари, қонунда бюджет маблағларидан фойдаланишда раҳбарларнинг ваколатларини кенгайтириш ҳамда молиявий мустақиллигини таъминлаш ҳам назарда тутилмоқда.

Таъкидланганидек, мазкур қонун асосида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва жамоатчилик назоратини қўлайиштириш мақсадига ҳисобот турлари кенгайтириш. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот таркибига бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жам-

ғармалари ижроси ҳамда давлат қарзи тўғрисидаги ҳисоботлар киритилмоқда. Қонун билан амалдаги қонунчиликка бюджет жараёни тақомиллаштиришга, бюджет интизомига риоя этилишига доир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари зиммасига ҳар қоракда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича маълумотларни расмий веб-сайтларига ҳамда "Очик бюджет" ахборот порталига жойлаштириш мажбурияти юкланмоқда.

Шу билан бирга, бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Қонунчилик палатаси қўмиталарида ҳар қорак якунида эшитиб бориш амалиёти жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджет ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ярим йиллик ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қонунчилик палатасининг қарори билан таъкидланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг биринчи қорак ва 9 ойлик ҳисоботлари эса Қонунчилик палатасининг маъсул қўмитаси қарори асосида қабул қилиниши назарда тутилмоқда.

Ўз навбатида, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан харажатлар сметасига йилга қўли билан тўрт марта ўзгартириш киритиш амалиётига чек қўйилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонун мамлакатимизда фуқароларни бюджет жараёнига кенг жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимлашда шаффофликни таъминлаш, маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини қўлайиштиришга ҳизмат қилиниши алоҳида таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шунингдек, 12-ялпи мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда солиқ юқини озиқ пайсгайитиш, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар оlib берилмоқда. Шунингдек, солиқ маъмуриятичиликни тақомиллаштириш орқали иқтисодиётни жадал ривожлантиришга ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш зарурлигига алоҳида уруғ берди. Бундан ташқари, "яширин иқтисодиёт" улшини қисқартириш чора-тадбирлари доирасида қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурати юзга келаятганини қайд этилди.

Бугунги кунда республикада фаолият кўрсатмаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар жами тадбиркорлар таркибиде ҳисобга олиниши иқтисодий ва статистик кўрсаткичларнинг нотўғри шаклланишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, бу улар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларини белгилаш ва тушувларни таъминлашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мазкур қонун билан яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат реестридан чиқариш тартибини белгилаш иқтисодий ва статистик кўрсаткичларнинг тўғри шаклланишига олиб келади.

Сенаторлар қонун молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштиришга ҳизмат қилиши ҳақида фикр билдирди. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка киритилаётган тугатишлар натижасида ишлаб чиқариш юқори технологиялар асосида ривожланиши ҳамда йилво ҳўжалиқларининг молиявий аҳоли яхшиланishiга эътибор қаратди.

Сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда "Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда янги тартиб-таомилларни ҳаётга жорий этишдан олдин уларни чекланган ҳолда (муайян ҳудудда ёки шахслар, ташкилотлар доирасида) ҳуқуқий эксперимент (тажриба-синов) тарзида қўллаш амалиёти кенгайиб бормоқда.

Ҳуқуқий эксперимент тушунчаси, уни ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш масалалари "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган, лекин уни ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар комплекс тартибга солинмаган.

Ушбу қонун қатор ҳуқуқий бўлиқларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда ҳуқуқий экспериментнинг мақсади, асосий тушунчалар, принциплар, ваколатли органлар, ҳуқуқий экспериментни ўтказиш шартлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий экспериментда иштирок этиши ва бошқа масалалар назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент факатгина Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўтказилиши аниқ белгиланмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш, экспериментал ҳуқуқий нормаларни жорий этиш бўйича ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга ҳизмат қилиниши таъкидлади.

Муҳокама якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама этилди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда жаҳонда технология ривожланиши билан турли электрон ускуналар, жумладан, портатив лазерли нур тарқаткичлар ҳам кенг омилаб бормоқда. Бу қуримлар арзон, осон этиб бориладиган ва қўл ҳолларда қўнгилчор ёки таълим мақсадида ридда ишлатилади.

Бирок улардан ноқонуний ёки номувофиқ фойдаланилиши жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши мумкин.

Ҳусусан, самолётларнинг учishi ёки қўниши пайтида уларнинг экипажига лазер нурлари йўналтирилиши қўниши ёки парвоз жараёнида экипаж дикқатини қалғитиб, ҳалокат хавфини оширади.

Бундан ташқари, жамоат хавфсизлигини таъминлашга маъсул бўлган ҳуқуқни муҳофаз а қилиш органлари ходимларига лазер нурлари йўналтирилиши натижасида қўниш вақтинча қўрмай қолшига, бу эса содир бўлиши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олишда салбий оқибатларни оғди келиши мумкин.

Кўпгина хоржий давлатларда лазер қуримларининг фойдаланишини чекловчи ва назорат қилувчи қонунлар қабул қилинган.

Мамлакатимизда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ушбу тур-

даги қуримларни назорат қилиш, уларни лицензиялаш ва ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини жазолаш бўйича чоралар қаторида мазкур қонун қабул қилинмоқда.

Қонун билан амалдаги қонунчиликка маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ҳамда таянч пунктларининг таркибини, уларда ҳизмат қилувчи инспекторларнинг ваколатларини аниқлаштиришга, патруль-пост хизмати саф бўлималарининг мансабдор шахслари томонидан тузилган маъмурий баённомаларни қўриб чиқиш ҳамда жазо чорасини қўллаш ваколатига эга шахсларни аниқлашга, шунингдек, портатив лазерли нур тарқаткичларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарлик белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенат аъзоларининг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ишлари самарадорлигини янада оширишга ҳизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Шундан сўнг "Ҳақамлик судлари фао-



Қўйс БУРҒЕВ олпон суратлов.

лияти янада тақомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизомини қўлайиштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга ҳизмат қилмоқда.

Ҳақамлик судлари низоламини муқобил ҳал этиш механизми сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Бирок тахлиллар ушбу судлар фаолиятида қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатган.

Ҳусусан, 2021 — 2023 йилларда айрим ҳудудларда ҳақамлик судлари томонидан давлат органлари иштирок этган ишлар бўйича қабул қилинган 47 та қорак ваколатли суднинг ижро варақаси берилмасдан тўғридан-тўғри ижро этилган. 2019 — 2023 йилларда эса Давлат бюджетидан 222,2 миллиард сўмини ундириш ҳақида 870 та ноқонуний қорак қабул қилинган.

Айрим ҳақамлик суд судьяларининг малакаси етарли эмаслиги, судлар фаолиятини ташкил этишдаги талабларнинг қайта қўриб қилинганлиги, назорат меҳанизмларининг йўқлиги ушбу муаммоларга олиб келаятганини қайд этилди.

Ҳозирги вақтда 287 та ҳақамлик суди ва 1,5 миңдан ортик ҳақамлик судьялари фаолият юритади, уларнинг кўпчилиги турли соҳаларда асосий иш жойига эга бўлиб, профессионал тайёргарлик даражаси юқори эмас.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет, Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал ко-

дексларга, шунингдек, "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги ва "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунларга муҳим ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жумладан, ҳақамлик судини ташкил этиш ҳамда судьялик вазифасини бажариш учун қўшимча талаблар белгиланмоқда, ҳақамлик судьяларининг билим ва қўнималарини ошириш тартиби кенгайтирилмоқда, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат ишторикидаги қорхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳақамлик битимларини тузганлик учун маъмурий жавобгарлик қўллаш назарда тутилмоқда.

Бюджет кодексига газначиликда рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида товар, иш ва хизматларни қабул қилиб олганлик ҳолати бюджет интизомини бузиш сифатида белгиланмоқда.

Таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши ҳақамлик судлари фаолияти очиклиги ва самарадорлигини оширади, Давлат бюджетидан ноқонуний чиқимларнинг олдини олади, адолатли қарорларни қабул қилишга ҳизмат қилади ҳамда

давлат манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайди.

Муҳокамадан сўнг сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга ҳизмат қилмоқда.

Ҳақамлик судлари низоламини муқобил ҳал этиш механизми сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Бирок тахлиллар ушбу судлар фаолиятида қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатган.

Ҳусусан, 2021 — 2023 йилларда айрим ҳудудларда ҳақамлик судлари томонидан давлат органлари иштирок этган ишлар бўйича қабул қилинган 47 та қорак ваколатли суднинг ижро варақаси берилмасдан тўғридан-тўғри ижро этилган. 2019 — 2023 йилларда эса Давлат бюджетидан 222,2 миллиард сўмини ундириш ҳақида 870 та ноқонуний қорак қабул қилинган.

Айрим ҳақамлик суд судьяларининг малакаси етарли эмаслиги, судлар фаолиятини ташкил этишдаги талабларнинг қайта қўриб қилинганлиги, назорат меҳанизмларининг йўқлиги ушбу муаммоларга олиб келаятганини қайд этилди.

Ҳозирги вақтда 287 та ҳақамлик суди ва 1,5 миңдан ортик ҳақамлик судьялари фаолият юритади, уларнинг кўпчилиги турли соҳаларда асосий иш жойига эга бўлиб, профессионал тайёргарлик даражаси юқори эмас.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет, Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал ко-

давлат манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайди.

Муҳокамадан сўнг сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга ҳизмат қилмоқда.

Ҳақамлик судлари низоламини муқобил ҳал этиш механизми сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Бирок тахлиллар ушбу судлар фаолиятида қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатган.

Ҳусусан, 2021 — 2023 йилларда айрим ҳудудларда ҳақамлик судлари томонидан давлат органлари иштирок этган ишлар бўйича қабул қилинган 47 та қорак ваколатли суднинг ижро варақаси берилмасдан тўғридан-тўғри ижро этилган. 2019 — 2023 йилларда эса Давлат бюджетидан 222,2 миллиард сўмини ундириш ҳақида 870 та ноқонуний қорак қабул қилинган.

Айрим ҳақамлик суд судьяларининг малакаси етарли эмаслиги, судлар фаолиятини ташкил этишдаги талабларнинг қайта қўриб қилинганлиги, назорат меҳанизмларининг йўқлиги ушбу муаммоларга олиб келаятганини қайд этилди.

Ҳозирги вақтда 287 та ҳақамлик суди ва 1,5 миңдан ортик ҳақамлик судьялари фаолият юритади, уларнинг кўпчилиги турли соҳаларда асосий иш жойига эга бўлиб, профессионал тайёргарлик даражаси юқори эмас.

Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Бюджет, Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал ко-

давлат манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайди.

Муҳокамадан сўнг сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сенатнинг ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга ҳизмат қилмоқда.

ўравонликдан жабрланган, тегишли билим ва қўнималарга эга бўлган хотин-қизларни йўналма бўйича давлат ташкилотларига ишга жойлаштириш белги-ланаётганини алоҳида таъкидлади.

Муҳокама жараёнида ушбу қонун но-гиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий ҳизматлар кўрсатиш қўламининг кенгайтиришга, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд айрим тоифаларига қўшимча қўлайликлар яратилишига ҳамда уларнинг ишга жойла-шарига доир ҳуқуқлари қафолатларига ҳизмат қилишга қайд этилди.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун ҳам қўриб чиқилди.

Бугунги кунда бутун дунёда аҳоли ва саноатда электр энергиясига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт, аҳоли сони ва турмуш фаровонлигининг ўсиши натижасида электр энергиясига бўлган эҳтиёж 2030 йилга бориб 120 — 125 миллиард кВт/соатга етади.

Мамлакатимизда Президентимиз ма-вжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга ва янгиларини ташкил этиш бўйича олиб бораётган фаол инвести-ция сийасати, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли иш-лар йилдан-йилга эҳтиёж ортиб бораёт-ган энергия ресурсларини ишончли ман-балар билан таъминлашни талаб қил-моқда.

Атом энергетикасини ривожлантириш Ўзбекистоннинг барқарор энергетика тизимини яратиш, саноатни ривожлантириш ва минтақавий тараққиёт учун муҳим омилдир. Катта ва кичик реактор блок-роғлигини уйғун фаолият тармок барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи манбаларни самарали интеграциялаш им-конини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги қарорига мувофиқ Энергетика вазирлиги ҳузури-даги Атом энергетикасини ривожланти-риш агентлиги қайта ташкил этилиб, кен-гайтирилган устувор йўналишлар, вази-фа ҳамда функцияларга эга бўлган ва тўғридан-тўғри Вазирлар Маҳкамаси таркибига киритилган Атом энергияси агентлигининг фаолияти самарали таш-кил этилди.

Мазкур қонун атом энергиясидан тинч-лик мақсадларида самарали ва хавфсиз фойдаланиш, давлат органлари ваколат-ларини аниқлаштириш, соҳадаги ҳуқуқий базани халқорак стандартларга мувофиқ-лаштиришга қаратилганлиги билан ахамиятлидир.

